

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ, РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ,  
ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ  
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/  
2025.27.12 Tib.01.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

УБНИНЯЗОВА КАМИЛА ТУРИКМЕНБАЕВНА

ОИВ/СИЛ КОИНФЕКЦИЯЛИ БЕМОРЛАРДА  
СИЛНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

14.00.30-Эпидемиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 616-039.4: 616-002.5: 612.017.1: 616.97 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

**Уббиниязова Камила Турикменбаевна**

ОИВ/сил коинфекцияли беморларда силнинг  
эпидемиологик хусусиятлари  
(Қорақалпоғистон Республикаси  
мисолида).....3

**Уббиниязова Камила Турикменбаевна**

Эпидемиологические особенности туберкулеза  
у пациентов с коинфекцией ВИЧ/туберкулез  
(на примере Республики  
Каракалпакстан).....25

**Ubbiniyazova Kamila Turikmenbayevna**

Epidemiological features of tuberculosis  
in patients with HIV/TB coinfection  
(on the example of the Republic of Karakalpakstan).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ, РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ,  
ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ  
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/  
2025.27.12 Tib.01.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

УБНИНЯЗОВА КАМИЛА ТУРИКМЕНБАЕВНА

ОИВ/СИЛ КОИНФЕКЦИЯЛИ БЕМОРЛАРДА  
СИЛНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

14.00.30-Эпидемиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3416 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.tashmeduni.uz](http://www.tashmeduni.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Урунова Дилбар Махмудовна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Искандарова Гулноза Тўлқиновна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Турсунова Дилором Алимовна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12 Tib.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш. Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2 А-уй. Тел: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел.: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Л. Н. Туйчиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.М. Таджиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) инфекцияси билан боғлиқ сил соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммоларидан биридир. ЖССТнинг маълумотларига кўра, «... дунёда ОИВ-инфекцияси билан боғлиқ силнинг 662 минг ҳолати ва 161 минг ўлим ҳолати қайд этилган бўлиб, бу ОИТС билан боғлиқ барча ўлим ҳолатларининг қарийб чорак қисмини ташкил этади»<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда «ОИВ билан яшовчи шахсларнинг сони 40,8 миллион», деб баҳоланмоқда ва улар орасида латент сил инфекциясининг фаоллашиш хавфи 30% гача етади, ОИВ манфий шахсларда эса бу кўрсаткич 5–15% дан ошмайди. Ретровирусга қарши терапия (РҚТ) ва сил профилактикаси стратегиялари самарадорлиги клиник ва эпидемиологик жиҳатдан исботланганлигига қарамай, юқори эндемик ҳудудларда қамров пастлиги ОИВ/сил коинфекциясини аниқлаш, эрта скрининг ва аниқлашни кенгайтириш, мақсадли профилактика чораларини ишлаб чиқиш ҳамда эпидемиологик назоратни кучайтиришни тақозо этади.

Жаҳонда ОИВ билан яшовчи шахсларда сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш, профилактика самарадорлигини ошириш ва эпидемиологик назорат усулларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ОИВ-инфекцияси ва сил касаллик кўрсаткичларининг кўп йиллик динамикаси ўртасидаги фарқларини, ОИВ/сил коинфекцияси касаллик кўрсаткичларининг кўп йиллик динамикасини, бу беморларда сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш, хусусан, ОИВ/сил коинфекциясининг тарқалиши, эндемик жараённинг намоён бўлиши, хавф гуруҳлари ва эндемик жараённинг динамикаси ўртасидаги фарқларни аниқлаш, CD4- лимфоцитлари ва вирус юкламаси миқдорини таҳлил қилиш, РҚТга содиқликнинг яшовчанлик ва ўлим кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш ва шу асосда мақсадли профилактика чораларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва тиббий хизматларни жаҳон стандартларига мослаштириш жараёни юқумли касалликларнинг, жумладан ОИВ/сил коинфекциясининг тарқалиши, самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда. «...мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, юқори технологияли ташхис ва даволаш усулларини жорий этиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш

---

<sup>1</sup> Global Tuberculosis Report 2024 <https://www.who.int/teams/global-programme-on-tuberculosis-and-lung-health/tb-reports/global-tuberculosis-report-2024>

тарзини рағбатлантириш ва касалликларнинг профилактикасини кучайтириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ОИВ/сил коинфекциясининг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш, хавф гуруҳлари ва тарқалиш омилларини баҳолаш, яшовчанлик ва ўлим кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳамда эпидемиологик кузатув ва эрта ташхис тизимини такомиллаштириш орқали соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги фармони, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2023 йил 20 январдаги ПҚ-41-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ОИВ билан боғлиқ силнинг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш жаҳон соғлиқни сақлаш тизимидаги долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. ОИВ-инфекцияли беморларда ўлим ҳолатларининг 25% дан ортиғи айнан сил касаллиги билан боғлиқ (UNAIDS, 2023). Тадқиқотлар ОИВ/сил коинфекциясида ликворда IFN-γ даражасининг пастлиги 90 кунлик ўлим хавфини 3 баробар оширади (Wilt et al., 2025), CD4<sup>+</sup><200 ҳужайра/мкл бўлган беморларда фаол сил ривожланиши ва ўлим хавфи юқорилиги аниқланган (Wondmeneh et al., 2023). Вирус юкламасининг пастлиги ва меъёрий тана вазни индекси яшовчанликни оширади (Muhie, Tegegne, 2025). Сил таёқчасининг бактериологик мусбатлиги даволашни эрта тўхтатиш ва DOT тизимининг йўқлиги билан боғлиқ (Bernardi et al., 2025). Африка мамлакатларида яширин силнинг юқори тарқалганлиги фаол сил ривожланиши учун муҳим хавф омил экани қайд этилган (Lamprey et al., 2025). Ижтимоий-гигиеник хавф омиллари сифатида доимий яшаш манзилининг йўқлиги, меҳнат миграцияси, гиёҳвандлик ҳамда ижтимоий ҳимоясизлик ОИВ/сил коинфекцияси тарқалишига сезиларли таъсир этувчи асосий омиллар

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

сифатида қайд этилган (Загдын, 2021; AIDS Data Hub, 2023).

Ўзбекистонда ОИВ-инфекцияси ва ОИВ/сил коинфекциясига оид тадқиқотлар сони чекланган бўлса-да, айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, ОИВ билан боғлиқ силнинг клиник-иммунологик хусусиятлари (Бабаходжаева Д.И., 2011), болаларда перинатал ОИВ-инфекцияси (Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Худайқулова Г.К., 2018), ОИВ-инфекциясининг клиник-эпидемиологик жиҳатлари ва дориларга чидамлилиги (Байжанов А.К., 2018), лимфа тугунлари силининг ташхиси ва давоси (Файзуллаева Д.Б., 2019), иммунтанқислик ҳолатида цитомегаловирус инфекцияси (Касимова Р.И., 2020), ОИВ-инфекциясини даволаш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш (Бердиева З.И., 2022), ОИВ-инфекциясида гематологик ўзгаришлар (Рахматуллаева Ш.Б., 2023), Қорақалпоғистон Республикасида сил бўйича эпидемиологик вазият (Юлдашов Г.К., 2024) ҳамда ОИВ-инфекцияли беморларда коморбид ҳолатлар ва РҚТ негизида иммунологик жавоб динамикаси (Урунова Д.М., 2025) ўрганилган. Шунингдек, кўп дориларга барқарор (КДБ)-силга қарши миллий тадқиқот (2010–2011) дориларга чидамlilik даражасини баҳолаб, ОИВ-инфекцияси билан биргаликда кечиш касаллик назоратини мураккаблаштиришини кўрсатган.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ОИВ/сил коинфекциясининг ҳудудий тарқалиши, хавф гуруҳлари, клиник-иммунологик кўрсаткичлари ва эпидемик жараён динамикаси ҳануз тўлиқ тизимли ўрганилмаган. Бу ҳолат мазкур муаммони чуқур комплекс тадқиқ этиш зарурлигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаса-сининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот режалари ва доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ОИВ/сил коинфекцияси билан касалланган беморларда сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

2008–2024 йилларда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияси ва сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларининг динамикасини қиёсий таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси орасида ОИВ-инфекцияси фонида ривожланган сил касаллигининг (ОИВ/сил коинфекцияси) касалланиш динамикаси, эпидемиологик хусусиятларни таҳлил қилиш, унинг шаклланишига таъсир этувчи ҳудудий, ёш ва ижтимоий-демографик ҳавф омилларини аниқлаш;

ОИВ-инфекцияси фонида сил билан касалланган беморларда ўлим

ҳолатларининг динамикаси, яшовчанлик кўрсаткичларини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияси фонидида сил касаллигини эпидемиологик текшириш харитасини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказида диспансер назоратида турган 916 нафар ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморлар маълумотлари, Қорақалпоғистон Республикаси С. Султанов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг сил бўйича расмий статистик маълумотлари ҳамда ОИВ/сил коинфекцияси билан касалланган 137 нафар беморларнинг эпидемиологик ва амбулатор карталари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида диспансер кузатувида турган ОИВ/сил коинфекцияли беморларнинг веноз қон ва балғам намуналари олинган (n=137).

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун: эпидемиологик (ретроспектив ва таҳлилий ёндашувлар), серологик (иммунофермент таҳлил (ИФТ), иммуноблотинг), иммунологик (оқим цитофлуориметрия), молекуляр-генетик (полимераза занжирли реакцияси (ПЗР) сифат ва миқдорий), инструментал ва статистик (миқдорий кўрсаткичларнинг тақсимланиши Колмогоров-Смирнов мезони асосида баҳоланиб, нормал тақсимланганда  $M \pm SD$ , нормал бўлмаганда  $Me [Q1-Q3]$  кўринишида ифодаланди, ҳамда Манн-Уитни U-мезони ёрдамида таққосланди, яшовчанлик таҳлили Каплан-Майер усулида ва ўлим хавфига таъсир этувчи омиллар Кокс регрессия модели ёрдамида аниқланди) усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий (Тўрткўл, Беруний, Амударё, Эллиққалъа) ва марказий (Нукус шаҳри, Нукус, Хўжали, Тахиатош) зоналарида ОИВ/сил коинфекцияси касалланиш кўрсаткичининг барқарор ўсиши ( $\Upsilon_s = +3,76\%$ ) аҳоли зичлигининг юқорилиги, урбанизация жараёнларининг жадаллиги, меҳнат миграцияси фаоллиги ҳамда ОИВ-инфекциясининг юқиш хавфи юқори бўлган аҳоли гуруҳлари улушининг кўплиги билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор меҳнатга лаёқатли ёшдаги (30–49 ёш) эркалар (67%), ташқи меҳнат мигрантлари (57,1%), ўрта маълумотли аҳоли қатлами (80,5%) ОИВ-инфекцияси негизида ривожланадиган сил касаллигининг асосий ижтимоий-эпидемиологик хавф гуруҳлари эканлиги асосланган;

илк бор меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциясига боғлиқ сил ривожланишига таъсир этувчи асосий хавф омиллари сифатида хавfli жинсий алоқалар (48,6%), инъекцион гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмоли (ҳар бири 27,8%;  $p < 0,001$ ), чекиш (13,9%;  $p = 0,001$ ) ҳамда озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида бўлиши

(18,1%) асосланган;

илк бор, ОИВ-инфекцияси негизда ривожланган сил билан касалланган беморлар орасида ўлим кўрсаткичининг ошиши ОИВ-инфекцияси эпидемик жараёнининг фаоллашуви билан боғлиқ эканлиги ( $r=0,841$ ;  $p<0,001$ ), ретровирусга қарши терапияга содиқлик ўлим хавфини 2,5 марта камайтириши ( $HR=0,404$ ;  $p=0,018$ ) исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ/сил коинфекцияси касалланиш кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари ўртача эканлиги аниқланиб, профилактика ва скрининг тадбирларни ҳудудий хусусиятларга мослаштириш зарурлиги асосланган;

ОИВ-инфекцияси ва ОИВ/сил коинфекцияси касалланиш кўрсаткичлари ўртасидаги яққол корреляцион боғлиқлик интеграциялашган ечимлар (скрининг, даволаш ва назорат)ни амалга оширишнинг аҳамияти исботланган;

юқори хавф гуруҳлари (30–49 ёшли эркаклар, ташқи мигрантлар, ўрта маълумотли аҳоли қатлами) аниқланиб, мақсадли профилактика ва касалликни эрта аниқлаш тадбирларини кучайтириш асосланган;

ОИВ-инфекцияси фонида сил билан касалланган беморларда ретровирусга қарши терапияни узлуксиз қабул қилиш ўлим хавфини 2,5 баробарга ( $HR=0,404$ ) камайтириши аниқланиб, амалиётда ретровирусга қарши терапияга содиқликни ошириш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи эпидемиологик, серологик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, ОИВ/сил коинфекциясининг ҳудудий жиҳатлари, меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар, ташқи мигрантлар ва паст ижтимоий-иқтисодий мақомга эга аҳоли қатламининг коинфекция ривожланишидаги устувор ўрни, хавф омиллари, ўлим хавфининг ОИВ-инфекцияси фаоллиги билан боғлиқлиги, ҳамда яшовчанликнинг РҚТга содиқлик билан боғлиқлиги илк бор эпидемиологик жиҳатдан ишончли асослаб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, ОИВ/сил коинфекциясида ташқи меҳнат миграцияси (57,1%), гиёҳвандлик ва спиртли ичимликлар истеъмолининг РҚТга содиқликни пасайтирувчи асосий хавф омиллари экани аниқланиб, мигрантлар учун даволаш узлуксизлигини таъминлаш, юқори хавф гуруҳларида мақсадли профилактика ва мониторингни жорий этиш, ОИВ-инфекциясини касалликнинг эрта

даврларида аниқлаш орқали силнинг олдини олиш ва силни касалликнинг эрта даврларида аниқлаш орқали даволаш харажатларини камайтириш имконияти асослангани, ҳамда бу чоралар соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий самарадорликни таъминлаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/62 сонли баённомаси илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик.* илк бор Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий (Тўрткўл, Беруний, Амударё, Элликқалъа) ва марказий (Нукус шаҳри, Нукус, Хўжайли, Тахиатош) зоналарида ОИВ/сил коинфекцияси касалланиш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши ( $\dot{U}c=+3,76$  %) аҳоли зичлигининг юқорилиги, урбанизация жараёнларининг жадаллиги, меҳнат миграцияси фаоллиги ҳамда ОИВ-инфекциясини юқтириш хавфи юқори бўлган аҳоли гуруҳлари улушининг кўплиги билан боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгаши томонидан 2024 йил 15 февралдаги 1n-r/34–сонли хулосаси билан тасдиқланган «ОИВ/сил коинфекцияли беморларда сил диагностикасининг хусусиятлари» номли услубий тавсияномада акс эттирилган. Мазкур таклифлар Хоразм вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказида 2024 йилнинг 27 мартдаги 33-п-сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказининг 2024 йил 6 апрелдаги 59-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/62-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги.* ОИВ/сил коинфекциясининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш ва эрта ташхис таклифларининг амалиётга жорий этилиши хавф гуруҳларини мақсадли қамраб олиш, кеч аниқланиш ҳолатларини камайтириш ва инфекция тарқалишини чеклаш имконини яратди. *Иқтисодий самарадорлиги.* силни эрта аниқлаш ва даволаш касалликнинг оғир шакллардаги даволаш харажатларини камайтиради, стационар юкламаси қисқарди ва маҳаллий бюджет харажатлари камайди.

*иккинчи илмий янгилик.* меҳнатга лаёқатли ёшдаги (30–49 ёш) эркаклар (67%), ташқи меҳнат мигрантлари (57,1%), ўрта маълумотли аҳоли қатлами (80,5%) ОИВ-инфекцияси негизида ривожланадиган сил касаллигининг асосий ижтимоий-эпидемиологик хавф гуруҳлари эканлиги асосланганлиги бўйича тавсиялар Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг 2024 йил 15 февралдаги 1n-r/34-сонли хулосаси билан тасдиқланган «ОИВ/сил коинфекцияли беморларда сил диагностикасининг хусусиятлари» мавзусидаги услубий тавсияномада акс эттирилган. Ушбу тавсиялар

Хоразм вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказида 2024 йилнинг 27 мартдаги 33-н-сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказининг 2024 йил 6 апрелдаги 59-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/62-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Асосий хавф гуруҳларининг (30–49 ёшли эркаклар, ташқи мигрантлар, паст ижтимоий мақомдаги шахслар) аниқланиши профилактика ва скринингни аниқ мақсадга йўналтириш имконини яратди, ижтимоий хавф гуруҳларида кеч ташхис ва силни тарқалишини камайтиришга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* юқори хавф гуруҳларига ресурсларни тўғри йўналтириш орқали профилактика харажатлари оптималлашди, оғир клиник ҳолатлар ва узоқ даволаш билан боғлиқ иқтисодий йўқотишлар камайди, меҳнатга лаёқатли аҳолида меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш имкони ошди.

*учинчи илмий янгилик:* илк бор, меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциясига боғлиқ сил ривожланишига таъсир этувчи асосий хавф омиллари сифатида хавфли жинсий алоқалар (48,6%), инъекцион гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмоли (ҳар бири 27,8%;  $p < 0,001$ ), чекиш (13,9%;  $p = 0,001$ ) ҳамда озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида бўлиши (18,1%) асосланганлиги бўйича тавсиялар Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг 2024 йил 15 февралдаги 1н-г/34-сонли хулосаси билан тасдиқланган «ОИВ/сил коинфекцияли беморларда сил диагностикасининг хусусиятлари» мавзусидаги услубий тавсияномада акс эттирилган. Ушбу тавсиялар Хоразм вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказида 2024 йилнинг 27 мартдаги 33-н-сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказининг 2024 йил 6 апрелдаги 59-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/62-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Асосий хавф омилларининг аниқланиши (хавфли жинсий алоқалар, гиёҳвандлик, спиртли ичимликлар истеъмоли, чекиш, судланганлик, миграция) профилактика ишларини хулқ-атворга йўналтириш, реабилитация ва мақсадли ахборот дастурларини самарали ташкил этишга имконият яратди. Бу ОИВ-инфекцияси тарқалишини камайтириш ва ижтимоий хавф гуруҳларини ўз вақтида қамраб олишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* ОИВ-инфекцияси билан боғлиқ сил билан касалланган беморлар орасида меҳнат мигрантлари улушининг юқорилиги сезиларли ижтимоий-иқтисодий йўқотишларни келтириб чиқаради ва РҚТга содиқликни оширишни талаб қилади. Меҳнат мигрантларини чет элда бўлиш даврида уларни РҚТ билан таъминлаш сил касаллиги хавфини 5 баравар камайтиради ва ҳар бир бемор учун соғлиқни сақлашнинг

тўғридан-тўғри харажатларини йилига 86,4 минг сўмга камайтиради.

*тўртинчи илмий янгилик:* илк бор, ОИВ-инфекцияси негизда ривожланадиган сил билан касалланган беморлар орасида ўлим кўрсаткичининг ошиши ОИВ-инфекцияси эпидемик жараёнининг фаоллашуви билан боғлиқ эканлиги ( $r=0,841$ ;  $p<0,001$ ), ретровирусга қарши терапияга содиқлик ўлим хавфини 2,5 марта камайтириши ( $HR=0,404$ ;  $p=0,018$ ) исботланганлиги тўғрисидаги тавсиялар Вирусология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг 2024 йил 15 февралдаги 1n-r/34-сонли хулосаси билан тасдиқланган «ОИВ/сил коинфекцияли беморларда сил диагностикасининг хусусиятлари» мавзусидаги услубий тавсияномада акс эттирилган. Ушбу тавсиялар Хоразм вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказида 2024 йилнинг 27 мартдаги 33-н-сонли ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказининг 2024 йил 6 апрелдаги 59-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/62-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ОИВ/сил билан касалланган беморларда ўлим кўрсаткичининг ОИВ-инфекцияси эпидемияси фаоллиги билан боғлиқлиги ва РҚТга содиқликнинг ҳаёт сақланишига таъсири аниқланиши, аҳолини эрта аниқлаш, РҚТни ўз вақтида бошлаш ва содиқликни ошириш бўйича чора-тадбирларни кучайтиришга имконият яратди. Бу беморлар яшовчанлигини ошириш ва ижтимоий йўқотишларни камайтиришга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда силни эрта аниқлаш даволаш харажатларини 126,0 млн сўмдан 25,7 млн сўмгача камайтириб, бир бемор ҳисобига 100,3 млн сўмгача иқтисодий самарани таъминлайди ҳамда оғир шакллар ва коинфекция тарқалишининг олдини олади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 21 та, жумладан 9 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати

асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. ОИВ-инфекцияси ва ОИВ/сил коинфекцияси эпидемик жараёнининг замонавий кўринишлари**» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид маҳаллий ва халқаро манбалар таҳлил қилинган бўлиб, ОИВ-инфекцияси эпидемик жараёнининг хусусиятлари, тарқалиш динамикаси ва хавф омиллари, сил касаллигининг эпидемиологик жиҳатлари, ОИВ/сил коинфекциясининг аҳамияти ҳамда, илмий адабиётлардаги эпидемиологик вазият ҳақидаги маълумотлар таҳлилини ўз ичига олган.

Диссертациянинг «**ОИВ/сил коинфекцияли беморларда силнинг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллари ва усуллари келтирилган. Тадқиқотга Республика ОИТСга қарши курашиш марказида ОИВ-инфекцияси ташхиси билан диспансер назоратда турган 18 ёшдан катта 916 нафар беморлар киритилган, уларнинг 137 нафарида ОИВ/сил коинфекцияси қайд этилган. Беморларга клиник ташхис ЖССТнинг мослаштирилган ССВ томонидан тасдиқланган баённомаларга (2018 йилдаги 277 сонли 2021 йилдаги 206-сонли, 2023 йилдаги 270-сонли) мувофиқ қўйилган.


Тадқиқот ретроспектив-проспектив кузатув дизайнига эга бўлиб, қиёсий кросс-секцион ва обсервацион тадқиқотларни, кўп омилли регрессия, Каплан–Мейер усули, Кокс модели каби таҳлилий усуллар қўлланилди. ОИВ инфекцияси ташхиси эпидемиологик анамнез ва иммун фермент таҳлили (ИФТ) орқали (Genscreen Ultra HIVAg/Ab, ДС-ИФА-анти-ВИЧ-Униф, ДС-ИФА-ВИЧ-АГАТ-СКРИН), ташхисни тасдиқлаш иммуноблот тестлари (Inno-Lia HIV I/II Score, New Lav Blot I, МПБА-Блот-ВИЧ-1,2) билан амалга оширилган. ОИВ РНК нусхалари полимераза занжир реакцияси (ПЗР) асосида «Ампли Сенс ВИЧ-Монитор-FRT», «ВИЧ-ген-количественный» (Россия) ва Artus HIV-1 RG RT-PCR Kit (Германия) тест тизимлари орқали амалга оширилган. Беморларда CD4 лимфоцитларининг миқдори CyFlow®Counter оқимли цитофлуориметрия усулида ўтказилган.

ОИВ-инфекцияси бўлган беморларда сил касаллигининг ташхиси Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 2018 йил 30 апрелдаги 277-сонли буйруғи ҳамда миллий клиник протоколларининг ОИВ-инфекцияси ва силга бағишланган иловалари асосидаги амалга оширилган. Сил ташхиси GeneXpert MTB/RIF *Mycobacterium tuberculosis*ни аниқлаш ва

рифампицинга чидамликни баҳолаш, MGIT 960 микобактерияларни озуқа муҳитида ўстириш ва дориларга сезгирликни аниқлаш, ПЗР ёрдамида қўзғатувчининг ДНК фрагментларини аниқлаш орқали сил патогенини топиш, кўкрак қафаси рентгенографияси, бактериоскопия (Цил-Нильсен бўйича бўялган намунада) - кислотага чидамли бактерияларни аниқлаш орқали амалга оширилган.

Статистик таҳлил StatTech v.4.6.0 (Россия) дастурида амалга оширилган. Миқдорий кўрсаткичларда нормал тақсимот Колмогоров-Смирнов критерийси билан аниқланди, кўрсаткичлар нормал бўлмаганда маълумотлар медиана (Me), кватриллар (Q1–Q3) ва IQR орқали тасвирланди. Категорияли маълумотлар мутлақ рақамлар ва фоиз кўринишида берилди. Икки гуруҳни таққослашда Манн-Уитни U-критерийси, беморларда яшовчанлик таҳлили Каплан–Мейер ва ўлим хавфига таъсир этувчи омиллар Кокс регрессияси усулларида аниқланди. Кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти  $p < 0,05$  деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияси ва сил билан касалланиш кўрсаткичларининг кўп йиллик динамикасининг қиёсий таҳлили» деб номланган учинчи бобида 2008-2024 йиллар давомида ОИВ-инфекцияси ва сил билан касалланиш кўрсаткичларининг расмий статистика асосида қиёсий таҳлили натижалари келтирилган. Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекцияси ҳамда сил билан касалланиш кўрсаткичларида ўртача даражада пасайиш тенденцияси қайд этилган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2008–2024 йиллар давомида ОИВ-инфекцияси ва сил билан касалланишнинг динамикаси

Хусусан, ОИВ-инфекцияси бўйича ўртача йиллик пасайиш суръати  $P_c = -2,46\%$ , сил бўйича эса  $P_c = -4,19\%$  ни ташкил этди. ОИВ-инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан

12,7 тадан 9,46 гача, сил бўйича эса 64,7 тадан 33,2 гача камайгани аниқланди ( $p < 0,05$ ). Бироқ, Қорақалпоғистон Республикасидаги эпидемиологик вазият ўзига хос хусусиятлар билан фарқ қилди. 2008–2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ОИВ-инфекцияси бўйича 100 минг аҳолига нисбатан касалланиш кўрсаткичларининг ретроспектив таҳлили ОИВ-инфекциясининг яққол ўсиш тенденциясини кўрсатди, ўртача йиллик ўсиш суръати  $\dot{C} = +8,62\%$  ни ташкил этди. Шу билан бирга, сил билан касалланиш кўрсаткичларида ўртача даражада пасайиш тенденцияси қайд этилди, ўртача йиллик пасайиш суръати  $P_c = -4,85\%$  ни ташкил қилди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида сил билан касалланиш кўрсаткичи 2,14 баробарга камайган, ва 2024 йилда бу кўрсаткич 100 минг аҳолига 55,6 нафарни ташкил этган. Жами пасайиш суръати 46,7% бўлгани кузатилди (2-расм).




2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида 2008–2024 йиллар давомида ОИВ-инфекцияси ва сил билан касалланишнинг динамикаси

Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичи 2008 йилдаги 100 минг аҳолига 0,2 дан 2024 йилда 6,5 гача ошиб, 32,5 баробарга ўсган. Сил билан касалланиш кўрсаткичи эса 100 минг аҳолига 119,1 дан 55,6 гача ишончли даражада камайган ( $p < 0,05$ ). ОИВ-инфекцияси билан касалланишнинг кўп йиллик динамикасидаги тренд Қорақалпоғистон Республикасида барқарор ўсувчи йўналиш билан тавсифланиб, Ўзбекистон Республикаси бўйича кузатилган тенденциялардан фарқ қилган. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон аҳолиси орасида сил касаллигининг эпидемик жараёни тенденцияси умумий республика кўрсаткичларига мос келиб, барқарор пасайиш билан тавсифланган. Шунини таъкидлаш лозимки,

2020 йилда ОИВ-инфекцияси ва сил билан касалланиш кўрсаткичларида маълум даражада пасайиш кузатилган бўлиб, бу ҳолат эҳтимолан янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси таъсири билан изоҳланади. Пандемия шароитида тиббий хизматга мурожаатлар сони камайгани ва ташхис қўйиш имкониятларининг чекланганлиги ОИВ-инфекцияси ва сил билан касалланган шахсларни аниқлаш даражасига тўсиқ бўлган.

Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияси ва сил касаллиги кўрсаткичлари 2008–2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудлари билан қиёсий баҳоланди. ОИВ-инфекцияси бўйича Андижон вилоятида дастлаб юқори касалланиш кўрсаткичлари қайд этилиб, кейинчалик изчил пасайиш ( $P_c = -5,6\%$ ) кузатилди. Фарғона вилоятида кўрсаткичлар нисбатан барқарор сақланди ( $P_c = -0,5\%$ ). Бухоро вилоятида кўрсаткичлар 100 минг аҳолига 4,4 дан 8,6 гача ўсиб, ўртача йиллик ўсиш суръати  $+2,66\%$  ни ташкил этди. Навоий вилоятида 2,9 дан 4,8 гача ўсиш қайд этилди ( $Ўс = +3,6\%$ ). Хоразм вилоятида эса кўрсаткичлар 1,3 дан 12,5 гача ўсди.



3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг айрим вилоятларида сил билан касалланиш кўрсаткичларининг 2008-2024 йиллардаги динамикаси

2008–2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларида сил касаллигининг касалланиш кўрсаткичлари Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳам босқичма-босқич камайиш қайд этилди ( $P_c = -4,39\%$  ва  $-3,9\%$ ). Бухоро вилоятида кўрсаткичлар 100 минг аҳолига 47,7 дан 28,2 гача ( $P_c = -2,47\%$ ) пасайган. Хоразм вилоятида дастлаб айрим йилларда ўсиш кузатилган бўлса-да, умумий динамика пасайиш ( $P_c = -3,43\%$ ) билан тавсифланади. Навоий вилоятида ҳам сил касалланиш кўрсаткичлари 100 минг аҳолига 83,4 дан 29,6 гача камайган ( $P_c = -5,5\%$ ) (3-расм).


Шундай қилиб, аниқланган ҳудудий фарқлар ва Қорақалпоғистон

Республикасида ОИВ-инфекцияси ҳамда сил касаллигининг тарқалиш хусусиятлари уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда кечишини чуқур таҳлил қилиш, яъни ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш зарурлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «ОИВ-инфекцияли беморларда силнинг эпидемиологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасида 2008-2024 йиллар давомида ОИВ-инфекцияли беморларда сил коинфекцияси эпидемик жараёни ривожланиш қонуниятлари ретроспектив таҳлил қилинган.

2008 йилда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан ОИВ-инфекцияли беморларда сил билан касалланиш кўрсаткичи 0,06 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич ишончли равишда 0,30 гача ошган ( $p < 0,05$ ) (4-расм).

Сил билан касалланишнинг пасайиши ва ОИВ-инфекцияси ўсиши негизда 2008-2022 йиллар давомида ОИВ-инфекцияли беморларда сил билан касалланиш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши қайд этилди (ўсиш суръати  $\dot{Y}_c = +7,36\%$ ), 2024 йилга келиб эса ўсиш суръати  $+3,76\%$  гача пасайиб, ўсишнинг мўътадил тенденцияси кузатилди.




4-расм. Қорақалпоғистон Республикасида 2008–2024 йиллар давомида ОИВ-инфекцияли беморларда сил билан касалланишнинг динамикаси

Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллигининг илк ҳолати 2008 йилда қайд этилган бўлиб, шундан сўнг ҳар йили янги ҳолатлар рўйхатга олинган ва 2022 йилга келиб уларнинг умумий сони 126 нафарга, 2024 йилга 137 нафарга етди. Расмий статистика маълумотларига кўра, ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллиги бўйича касалланиш кўрсаткичлари 0,06 дан 0,96 гача (ҳар 100 минг аҳолига) ўзгариб турган, кўп йиллик ўртача кўрсаткич эса 0,43

ни ташкил этган. Регрессия таҳлили натижаларига кўра, касалланиш кўрсаткичларининг барқарор ўсиш тенденцияси ( $y = 0,0337x + 0,189$ ;  $R^2 = 0,4037$ ) аниқланган. 2024 йилга келиб касалланиш динамикасида ижобий тенденция ( $y = 0,0164x + 0,289$ ;  $R^2 = 0,13$ ) кузатилди.

Касалланишнинг динамикасини таҳлил қилиш натижасида 2008–2024 йиллар оралиғида ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллиги эпидемик жараёнининг намоён бўлишини иккита эпидемик цикл ва бешта асосий фазаси аниқланди. Биринчи тўлиқ цикл (2008-2022) кўтарилиш (2008-2018) ва пасайиш (2019-2022) фазаларини ўз ичига олган. Иккинчи цикл 2021 йилдан бошланган бўлиб, ҳозирда касалланиш кўрсаткичлари яна ўсиш фазасида эканлиги кузатилмоқда. Биринчи циклда энг юқори кўтарилиш 2012, 2016 ва 2018 йилларда қайд этилди. Бу даврдаги ўртача йиллик ўсиш суръати ( $\dot{Y}_c = +9,8\%$ ) ни ташкил этган. 2019-2021 йилларда нисбий пасайиш кузатилган ( $P_c = -26,4\%$ ), бироқ 2021 йилдан бошлаб яна ўсиш қайд этилмоқда ( $\dot{Y}_c = +79,6\%$ ), бу иккинчи эпидемик циклнинг шаклланаётганидан далолат беради. 2023-2024 йилларда бу кўрсаткич 100 минг аҳолига 0,25-0,30 даражасида барқарорлашди. Олинган натижалар эпидемик жараёнининг намоён бўлиши ноаниқ ва циклик хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

2008-2022 йилларда ОИВ-инфекцияси ва ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллигининг касалланиш кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион таҳлил натижаларига кўра Чеддок шкаласи бўйича кучли мусбат боғлиқлик




5-расм. Қорақалпоғистон Республикасида 2008-2024 йиллар давомида ОИВ инфекцияси ва ОИВ инфекцияли беморларда сил касалланиш кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

аниқланди ( $r=0,841$ ;  $p<0,001$ ). 2023-2024 йилларда эса корреляция коэффиценти сезиларли (ўртача юқори) боғлиқликка эга бўлиб,  $r=0,682$ ;  $p=0,003$  ни ташкил этди, бу ОИВ-инфекциясининг тарқалиши ва ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллигини аниқлаш ўртасида барқарор эпидемиологик боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади (5-расм).

2008-2024 йилларда янги аниқланган ОИВ-инфекция ҳолатлари

орасида сил касаллигининг улуши ўртача 14 % ни ташкил этган, айрим йилларда 4 % дан 33,3 % гача ўзгариб турган, яъни баъзи йилларда ҳар учинчи ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда сил аниқланган. 2024 йилда бу кўрсаткич 13 % ни ташкил этган бўлиб, бу тахминан ҳар 8 та янги ОИВ-инфекция ҳолатига битта сил касаллиги тўғри келганини кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияли беморларда сил билан касалланиш ҳолатларининг 2008-2022 йиллардаги ҳудудий таҳлили эпидемиологик вазиятнинг кескин номутаносиблигини кўрсатди. Энг юқори ўсиш суръатлари Жанубий (Тўрткўл, Беруний, Амударё, Элликқалъа) (Ўс=+11,54%) ва Марказий (Нукус шаҳри, Нукус тумани, Хўжали, Тахиатош) ҳудудларда (Ўс=+10,07%) кузатилиб, айниқса Тўрткўл тумани ва Нукус шаҳри ажралиб турди. Шимолий ва ғарбий зоналарда эса касалланишнинг пасайиш тенденцияси қайд этилди. 2024 йилга келиб жанубий (Ўс=+1,05%) ва марказий ҳудудларда (Ўс=+2,25%) ўсиш суръатларининг барқарорлашиши аниқланди (6-расм).



6-расм. Қорақалпоғистон Республикасида 2008-2024 йиллар давомида ОИВ-инфекцияли беморларда сил билан касалланиш кўрсаткичларининг маъмурий-ҳудудий зоналар бўйича динамикаси

ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллиги, клиник, инструментал ва лаборатор текширувлар асосида аниқланди. Бунда юқори бактерия ажралиши (БК+) (34,1%), силнинг ўпка шакллари устунлиги (83,3%) бўлиб, улар орасида БК+ ҳолатлари 40% ни ташкил этди, шунингдек 23% ҳолатларда кўп дориларга чидамли сил (КДЧ-сил) қайд этилди. Сил ташхиси бактериологик (микроскопия, культура усули), молекуляр-генетик (GeneXpert MTB/RIF) ва инструментал (рентгенологик) текшириш усуллари асосида тасдиқланди.

ОИВ-инфекцияли сил аниқланган беморлар орасида ОИВ-инфекцияси ҳолатлари асосан клиник кўрсатмага асосан - 75,4%, профилактик скрининг орқали 16,4%, эпидемиологик кўрсатмаларга кўра 8,2% аниқланган.

ОИВ-инфекцияли сил касаллиги аниқланган беморларда эпидемиологик таҳлил натижалари жинс ва ёш тоифалари бўйича яққол фарқларни кўрсатди. Беморлар орасида эркаклар устунлик қилган (69%), улар орасида касалланиш даражаси ҳар 100 минг аҳолига 1,11 нафарга етган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати  $\dot{Y}_c = +7,74\%$  ни ташкил этди. Кўрсаткичнинг ўсиши, асосан, ОИВ-инфекциясининг гетеросексуал йўл билан юқиши билан изоҳланади, аниқланган ҳолатлар таркибида меҳнат мигрантларининг улуши устун бўлган (68%). Аёллар ўртасида ҳам касалланиш кўрсаткичи 1,6 баробарга ошган бўлиб,  $\dot{Y}_c = +4,98\%$  ни ташкил этди. Бу ҳолат асосан ҳомиладорлар, турмушга чиқаётганлар ва тиббиёт ходимлари каби гуруҳларда скрининг қамровининг кенгайиши билан изоҳланади. Беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича таҳлиliga кўра, 30-39 ёшдаги шахслар (37,3%) энг кўп касаллик қайд этиладиган тоифани ташкил этди. Бутун кузатув даврида ушбу гуруҳда касалланиш кўрсаткичи 2,7 марта ошди. Умуман олганда, ОИВ-инфекцияли сил аниқланган беморларда касалланиш гендер ва ёш тоифалари бўйича номутаносиб тақсимланиб, асосан меҳнатга лаёқатли, ижтимоий фаол аҳоли қатлами, ҳамда ёшлар орасида кўпроқ тарқалганлиги билан тавсифланади.

Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияли сил билан касалланган беморларда ижтимоий ва хулқ-атвор омиллари таҳлил қилинди. Беморларнинг аксарияти ўрта маълумотли бўлиб, бу ОИВ-инфекцияси ва сил бўйича билимлар етарли эмаслигини кўрсатади. 19,8 % беморларда, асосан эркакларда, озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида бўлиш ҳолати аниқланган. Ушбу гуруҳда инъекцион гиёҳвандлик (56%), спиртли ичимликлар истеъмоли (31%) ва тамаки чекувчилик (24 %) юқори даражада қайд этилган. Беморларнинг 57,1%и ташқи меҳнат мигрантлари бўлиб, уларнинг 77,7%ини эркаклар ташкил этган. Мигрантлар орасида хулқ-атвор омиллари, жумладан ҳимояланмаган жинсий алоқалар (48,6%), ҳамда гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмоли (27,8%) кузатилган. Асосий миграция йўналишлари эса Қозоғистон ва Россия Федерацияси улушига тўғри келган.

Кузатув давомида ОИВ-инфекцияси юқинининг асосий йўли жинсий йўл бўлиб, у ҳолатларнинг 67,5% ни ташкил этган. Аёллар ўртасида бу кўрсаткич 92,3% ( $p < 0,001$ )ни ташкил қилди. Гиёҳванд моддаларни томир ичига қабул қилиш орқали юқиш 23% ҳолатлардла қайд этилган бўлиб, асосан 30–49 ёшли эркаклар орасида юқори бўлган (33,3%). Парентерал (тиббий ва нотиббий) ва вертикал юқиш ҳолатлари жами ҳолатларнинг 5% дан камини ташкил этган.

Ижтимоий-хулқ омиллари жинс бўйича кескин фарқ қилди, бунда эркаклар аёлларга нисбатан 15,7 марта кўпроқ гиёҳванд моддаларни томир ичига қабул қилишга мойил бўлган (40,2%га нисбатан 2,6%). Спиртли ичимликлар истеъмоли фақат эркаклар орасида қайд этилган (31%), ҳимояланмаган жинсий алоқалар эса 47,1% эркаклар ва 15,4%

аёлларда аниқланган. РҚТга содиқлик етарли даражада бўлмай, узлуксиз терапияни қабул қилувчилар улуши эркакларда 48,3% ва аёлларда 59 %ни ташкил этган. Ижтимоий хавф омиллари энг кўп жанубий (Тўрткўл, Беруний, Амударё, Эллиққалъа) ва марказий (Нукус шаҳри, Нукус тумани, Хўжали, Тахиатош) ҳудудларда қайд этилди, бу ҳудудларда гиёҳванд моддаларни томир ичига қабул қилиш кенг тарқалганлиги аниқланди.

Текшириш натижаларига кўра беморларнинг 75,4% да ОИВ-инфекцияси кеч босқичда, сил ташхиси қўйилгандан сўнг аниқланган, 24,6% ҳолатларда эса сил ОИВ-инфекцияси ташхисидан камида 1 йил ўтгач (ўртача интервал 4,97 йил) ривожланган. Ушбу ҳолатлар асосан даволанишга риоя қилмаган беморлар, жумладан гиёҳванд моддаларни томир ичига қабул қилувчилар (29%), меҳнат мигрантлари (45,2%) ва озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида бўлганлар (35,5%) орасида қайд этилди.

Клиник таҳлил натижаларига кўра, беморларнинг 83,3% да силнинг ўпка шакли, 12,7% да ўпкадан ташқари ва 4,0% да тарқалган шакллари қайд этилди. ОИВ-инфекциясининг III клиник босқичида сил фақат ўпка шакллари билан намоён бўлган бўлса, IV босқичда ўпкадан ташқари ва тарқалган шакллар улуши 38,9% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Ўпка сили аниқланган беморларда асосан ўчоқли (51,4%), инфилтратив (29,5%) ва диссеминацияланган шакллар (13,3%) кузатилди.


Иммунологик таҳлил натижаларига кўра, РҚТ негизида ва силга қарши даводан сўнг CD4 кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланган :  $CD4 < 200$  ҳужайра/мкл бўлган беморлар улуши 35,7% дан 1,7% гача камайти ( $p < 0,001$ );  $CD4 \geq 500$  бўлганлар улуши 11,9% гача ошди. Шу билан бирга, 88,3% беморда ОИВ РНК миқдори аниқлаб бўлмайдиган даражага тушган.

Олинган натижалар Қорақалпоғистон Республикасида ОИВ-инфекцияли беморларда сил касаллигининг шаклланиши демографик, ижтимоий-хулқ ва клиник-иммунологик омиллар билан узвий боғлиқ эканини кўрсатди. Бу эса, юқори хавф гуруҳларида мақсадли профилактика, эрта ташхис ва РҚТга содиқликни оширишга қаратилган комплекс эпидемиологик назорат чораларини такомиллаштириш зарурлигини асослайди.

